

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “УСЛУБИЯТ ВА ТАҲРИР”
КАФЕДРАСИ**

Бобожонов Ғулом

**Соҳага оид матбуот нашрларининг тили ва услуби
(“Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси мисолида)**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
катта ўқитувчи Н.Мирзаева**

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	3-5
I боб. “Ҳидоят” журнали материалларининг тил ва услубга оид масалалари	
1.1. Диний-маърифий матнларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	6-12
1.2. Журнал материалларида янгича услубий ёндашув	13-18
1.3. “Ҳидоят” журнали материалларининг лисоний жиҳатлари.....	19-23
II боб. “Ислом нури” газетасининг ўзига хос хусусиятлари	
2.1. “Ислом нури” газетасида ахборот материалларининг ёритилиши.....	24-30
2.2. “Ислом нури” газетасида лисоний ва услубий таҳрир масаласи.....	31-34
Хулоса	39-40
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	41-43

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Мустақиллик йилларида она тилимизнинг кадри ва нуфузи қайта тикланди. Тилшуносликнинг назарий ва амалий жиҳатлари кенг тадқиқ қилина бошлади. Собиқ Иттифоқ даврида мавжуд бўлмаган бир қадар янги – диний-маърифий услубга оид нашрлар нисбатан кўпайди. Уларнинг тили ва услуби борасида янгидан-янги илмий қарашлар, фикр ва мулоҳазалар, баҳслар пайдо бўлди. Дарслик ва ўқув қўлланмаларда мазкур масалаларнинг назарий жиҳатдан тўла асосланган илмий ечимларини оммага тақдим этиш муаммоси ҳалигача ўзининг муносиб жавобини топа олгани йўқ. Тилшунос, журналист ва диний олимларнинг бир-биридан фарқ қилувчи турли ёндашувлари диний-маърифий нашрларнинг тили ва услубига оид жиҳатларни қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо этади.

Мавзунинг ёритишдан мақсад:

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур малакавий битирув ишида диний-маърифий соҳага оид нашрлар ҳисобланган “Ҳидоят” журнали ҳамда “Ислом нури” газетаси мисолида мазкур соҳага оид матбуот нашрларининг тили ва услубини мисоллар асосида илмий-таҳлилий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилди.

Мақсадга эришиш учун қўйилган вазифа:

Ушбу малакавий битирув ишида

– “Ҳидоят”. журнали ҳамда “Ислом нури” газетаси материалларининг тил хусусиятларини ўтганиш;

– улар услубига оид ўзига хосликларни таҳлил қилиш;

– мазкур нашрларнинг бошқа соҳаларга оид нашрлар билан тил ва услуб борасидаги фарқли томонларини тадқиқ этиш;

– мазкур нашрлар тили ва услубига оид энг ижобий жиҳатларни кенг тадқиқ қилиш орқали бошқа ОАВда ҳам бу тажрибалардан ижодий фойдаланишнинг назарий асосларини кўрсатиб ўтиш кабилар вазифа сифатида белгилаб олинди.

Мавзудаги муаммонинг ишланганлик даражаси. Ўзбек

тилшунослигида асосан матбуот тили бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада А.Бобоева, П.Рустамов, К.Юсупов, Ш.Раҳматуллаев, С.А.Мухаммедов, А.Абдусаидов, И.Тошалиев, Р.Абдусатторов, Д.Сагдуллаев, И.Азимова, Ш.Абдураимова, Н.Қодировнинг ишлари диққатга сазовор. Бу олимлар ўз тадқиқотларида асосан газета тилига эътибор қаратишган. Жумладан, А.Абдусаидов “Газета тилининг жанр хусусиятлари” мавзудаги диссертациясида ўзбек матбуоти тилининг жанр хусусиятларини ёритиб берган. И. Азимова диссертациясида газета матнларининг мазмуний таъсир хусусиятларини таҳлил қилган. Ш. Абдураимова ўз тадқиқотида вақтли матбуот мисолида сўз ўзлаштириш назариясини тадқиқ қилган. Бирок диний-маърифий нашрларнинг тили ва услуби масаласи тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам, журналистика нуқтаи назаридан ҳам батафсил ўрганилмаган.

Тадқиқот объекти: “Ҳидоят” журнали ҳамда “Ислом нури” газетасининг 2011 йилги нашрлари тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмоқда.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

“Ҳидоят” журнали ҳамда “Ислом нури” газетаси тили ва услубига оид назарий ва амалий изланишлар мисоллар воситасида таҳлилий нуқтаи назардан ёритиб берилди. Тилшунослик нуқтаи назаридан илмий баҳсларга сабаб бўлиб келаётган сўз имлоси билан боғлиқ айрим масалалар атрофича таҳлил этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти:

Ушбу малакавий битирув иши материалларидан умумий ва ўзбек тилшунослиги, нутқ маданияти, услубият ва журналистика бўйича бажарилаётган илмий тадқиқотларда; олий ўқув юртларининг филология, журналистика ва бошқа факультетларида нутқ маданияти, услубият, ОАВ тили ва услуби, адабий таҳрир асослари, ихтисослашган матбуотнинг тили ва услуби каби курсларда маърузалар, амалий машғулот ва махсус семинарлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг таркиби: Малакавий битирув иши “Кириш”, 2 боб, 5 параграф, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати” дан иборат.

I боб. “Ҳидоят” журнали материалларининг тил ва услубга оид масалалари

1.1. Матбуотда диний-маърифий тил ва услубнинг шаклланиши ҳамда ривож.

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари энг самарали ахборот узатиш ва мулоқот воситаси, замонавий жамиятнинг муҳим ижтимоий институтларидан бирига айланди. Айнан ОАВ тизимига ижтимоий онг шаклланиши ва тараққиётига оид энг муҳим вазифалар юклатилдики, уларни амалга оширишда муттасил такомиллашув жараёни алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек: “Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай фуқаро ўз фикрини билдира оладиган минбар бўлиши керак. Улар жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий соҳаларда таълим олиши ва ривожланишига хизмат қилмоғи лозим”¹.

Оммавий ахборотнинг нуфузи, авваламбор, унинг кенг халқ оmmasига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунда аудиториянинг ҳам ОАВ ходимларининг профессионал билим ва малакага эга бўлишини тақозо этади. Ҳозирги вақтда жамият сон-соноқсиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек катта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у, барибир, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”², – дея таъкидлайди.

Ушбу масаланинг долзарблигини тилшунос А.Абдусаидов ҳам таъкидлаб: “Газета тили ўзбек адабий тилининг таркибий қисмидир. Шу сабабли газет тилининг лисоний хусусиятларини ўрганиш ўзбек адабий

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 51-б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. 83-б.

тилининг ривожланиши, адабий нормаларининг турғунлашувига хос баъзи қонуниятларни белгилашга хизмат қилади”³, – дейди. Айнан шу фикрлар радио ва телевидение тили учун ҳам тааллуқлидир. ОАВ тилининг мақоми икки омилга, яъни биз тил истилоҳини қайси маънода тушунишимиз ва ОАВ тили миллий тилнинг функционал турлари орасида қандай ўрин эгаллаб турганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирда ОАВ тили миллий тилнинг барча функционал турлари орасида ҳукмрон ўринни эгаллаганки, унда барча функционал услубларнинг ресурслари мужассамлашган. Бошқача қилиб айтганда, ОАВ тили бугунги кунда, буни хоҳлаймизми, йўқми, миллий тилнинг жамлама образидан иборатдир.

Н.Маҳмудовнинг фикрича: “... тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. ...Миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тилдир”⁴. А.Рустамов ҳам тил софлиги миллат мустақиллигининг муҳим шарти эканлигини эътироф этади⁵.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. ОАВ кўпайиб боргани сари адабий тилда ҳам маълум ўзгаришлар, аниқроғи, тилда сўзлашув услуби таъсири устунлик қилаётгани кузатилмоқда. ОАВ таъсирида юзага келган тилдаги бундай “ўзгариш”лар тилшунослик нуқтаи назаридан диққатга молик.

Адабий тилимиз, бу – газета ва журналлар, телевидение ва радиодаги ошқора нутқ, бадиий адабиёт демакдир. Уларнинг ҳар бири доирасида адабий тил ўзининг айрим кўринишларинигина намоёиш этади.

XX асргача адабий тил, бу – бадиий адабиёт, илмий адабиёт ва расмий ҳужжатлар тили бўлиб келган бўлса, бизнинг даврда публицистик услуб, ундан кенгроқ олинса, журналистика оммавий мулоқот тили адабий тилнинг

³ Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Т, 2005. 39-б.

⁴ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. 3-б.

⁵ Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. –Т.: Extremum press, 2010. 4-б.

тенг ҳуқуқли узвий қисми сифатида юзага келди. ОАВ тили намунавий тил сифатида қабул қилинмоқда.

ОАВ ходимлари ўзлари билиб-билмаган, истаб-истамаган ҳолда адабий тил ҳукмронлиги учун, ўзбек адабий тили учун курашчидир⁶.

Президентимиз Ислон Каримовнинг: “Айни пайтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзи расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қодаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масаланинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб ётганини кўрсатади”⁷, – деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан аён бўладики, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг тили ва услубини кенг тадқиқ этиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этади.

Ўзбек миллий матбуотининг шаклланишида диний-маърифий тил ва услубнинг аҳамияти катта ҳисобланади. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида туркистонлик маърифатпарвар зиёлилар – жадидларнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил қилинган илк матбуот нашрлари бевосита диний-маърифий характерга эга бўлгани ҳаммамизга яхши маълум. Ҳатто рус амалдорлари томонидан нашр қилинган “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида ҳам маҳаллий аҳоли вакилларининг бир қанча мақола ва шеърлари нашр қилиниб турган. Маҳаллий миллат вакилларининг ўша даврдаги оғзаки ва ёзма мулоқот тили ҳам диний-маърифий хусусиятлардан холи эмас эди. Жумладан, нутқ жараёнида диний истилоҳлар кўпроқ фойдаланиш, матн таркибида арабча ва форсча сўзларни фаол қўлланилиши фикримизга яққол далил бўла олади. Бу ҳодиса ўша даврнинг бадиий адабиёти, илмий, расмий-идоравий матнлари ҳамда оғзаки нутқ жараёнига ҳам бирдай тааллуқли эди.

⁶ Пардаев А., Рўзиев Ф., Маҳамадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. – Т.: Истиқлол, 2006. 25-б.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009. 83-б.

Айниқса, тил борасида бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, ўша пайтларда Маҳмудхўжа Бехбудий⁸, Абдурауф Фитрат⁹, Абдулла Қодирий¹⁰, Абдулла Авлоний¹¹, Абдулҳамид Чўлпон¹² сингари олимлар бу масалага ҳамда ўз муносабатларини билдириб, илмий ёндашувларини таклиф қилишган.

Бу давр тили ўзининг халқчиллиги билан ажралиб туради. Унда оғзаки ва ёзма нутқ бир-биридан жуда кам фарқ қилган. Нутқнинг содда, ихчам, равон ва омма учун тушунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг услуб ва имло жиҳатдан ҳам бир қанча ўзига хосликлари мавжуд эди. Халқчиллик, арабча-форсча сўзларнинг оҳанг жиҳатдан жозибадорлиги, тилнинг оммабоплиги, кишиларнинг ижтимоий ахборотга бўлган табиий эҳтиёжи ҳамда ижод аҳлининг мазкур эҳтиёжни қондиришдаги юксак маҳорати ўша давр матбуотининг равнағига сабаб бўлди. “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат” каби миллий нашрлар қисқа фурсат ичида ўзининг кўп сонли ўқувчиларини топиб улгурди. Бу ҳолат – гарчи мустамлакачилар томонидан миллий нашрлар фаолиятига жиддий қаршилиқлар қилинган бўлса ҳам – тез орада газета ва журналлар сонининг кўпайишига олиб келди. Дастлаб Тошкентда газеталар чиқа бошлаган бўлса, қисқа муддатда Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Етгисув каби ҳудудларда ҳам миллий нашрлар фаолият юрита бошлади. “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Осиё”, “Тужжор”, “Бухорои шариф”, “Турон”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Олош” газеталари ҳамда “Ойина” ва “Ал-Ислоҳ” журналлари 1917 йил февраль инқилобигача фаолият юритган матбуот нашрлари сифатида тилга олинади.

Шунингдек, 1917 йил февраль ва октябрь тўнтарилиши оралиғидаги миллий матбуот ҳақида тўхталганда, “Нажот”, “Кенгаш”, “Шўрои ислом”, “Турон”, “Турк эли”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият”, “Эл байроғи”, “Равнақ

⁸ Қаранг: Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006.

⁹ Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. III жилд.– Т.: Маънавият, 2003.

¹⁰ Абдулла Қодирий. Диёри бакр. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.

¹¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1998.

¹² Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993.

ул-ислом”, “Озод”, “Садои тарончи” (Еттисув вилояти) газеталари “Изҳор ул-хақ”, “Юрт”, “Кенгаш”, “Ишчилар дунёси”, “Чаён”, “Садок”, журналлари ҳақида сўз юритилади¹³.

Ушбу нашрларда миллий тил ва услуб масалалари хусусида ҳам алоҳида баҳслар юритилган. Жумладан, “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йилнинг 3 апрелида чоп этилган илк сонидида муҳаррир Обиджон Махмудов томонидан газетани “маҳаллий шева (бир халқ тили)да чиқармоқ энг биринчи мақсадимиз бўлса ҳам бул биринчи нумерамиз ул мақсадға мувофиқ суратда бўлиб чиқмади”, дея муштарийлардан узр сўраган. Бу факт муҳарририятнинг аввалбошданок газета тилига жиддий эътибор билан қараганидан далолатдир¹⁴.

“Садои Фарғона”нинг 3-сонидида Ашурали Зоҳирийнинг “Она тили” сарлавҳали мақоласи босилган бўлиб, унда миллий тилнинг бойиши ва раванқ топишида матбуотнинг аҳамиятига шундай баҳо берилган: “... газета ва журналларнинг дунё аҳволидан ва бошқа тўғриларидан халқға хабар беруб турмоғидан бошқа улуг ва кўзга кўринмайдурғон бир фойдаси бўлурки, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукаммаллашмоғидур”¹⁵.

Мазкур газета тил масаласига бот-бот қайтиб турган. Жумладан, унинг 118-сонидида “Тил билмас” имзоси остида “Тил ва имло масаласиға жавоб” сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда мазкур мавзуда “Садои Туркистон” газетасида кўтарилган мунозарага муносабат билдирилган.

Ўша давр миллий матбуотининг тили ва услуби хусусида равшан тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги мақолага мурожаат қилиш мумкин. Бу “Садои Туркистон” газетасининг 1-2-сонларида “Мактаб дўсти” имзоси остида эълон қилинган “Туркистон мактаблари” сарлавҳаси остидаги мақоладир. Унда жумладан шундай дейилади: “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мусулмонларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа

¹³ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 22-б.

¹⁴ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 228-б.

¹⁵ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 228-б.

мақсади-ла чиқарилгонлиги учун бунда энг кўп баҳс қилинадургон масъала ва энг муҳим саналадургон мақола шул мактаб тўғрисида бўлур. Хар мамлакат халқининг тараққий ва таназзули, ҳаёт ва мамоти мактаб масъаласига боғлидир. Қайси миллатнинг мактаби тартиб ва низомли бўлса, ул миллатнинг истиқболи умидли ва дунёда яшамакка истеъдод ва қобилиятли саналур. Агарда тартибсиз ва низомсиз бўлса, истиқболи ҳам кўрқинчли ва миллий қавмлар қошида эътиборсиз, хор ва залил ҳисоб ўлинур”¹⁶.

Гувоҳи бўлганимиздек, мақолада миллий тил имкониятларидан иложи борица ижодий фойдаланишга ҳаракат қилинган. Араб тилидан ўзбек тилига кириб келган “жарида”, “ислоҳ”, “залил”, “таназзул”, “мамот”, “қавм” каби сўзлар кенг қўлланилган. Имло масаласида ҳам бир қанча жиҳатларни кўришимиз мумкин. Феъллар ва сифатдошларнинг ишлатилиши айни ўша давр жонли тилига мувофиқ тарзда акс этган. Бунини “чиқарилгон”, “қилинадургон”, “саналадургон”, “бўлур”, “яшамак”, “ҳисоб ўлинур” сўзларида учратамиз. Шунингдек, “масала” сўзи араб тили қоидаларига мувофиқ “масъала” шаклида (ҳамза билан) ёзилган. Кўрсатиш олмошларининг ишлатилишида ҳам муайян фарқлар кузатилади, жумладан, “у” олмоши “ул”, “шу” олмоши “шул” шаклида берилган.

Миллий матбуотнинг тили ва услубига оид илғор жиҳатлар собиқ Иттифоқ даврида ҳам кўплаб курашлардан омон чиқа олди, дейиш мумкин. Чунки, ўша даврда яратилган бир қанча асарларни кузатганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳабибий, Ҳазиний, Ғайратий, Мулло Йўлдошхўжа Доғий, Дадахон қори Сухайлий каби (буларнинг айримлари ҳали илмий жамоатчиликка унча яхши таниш бўлмаган) ўнлаб ижодкорлар ўша тил ва услубни сақлаб қолган ҳолда самарали ижод қилишди.

Шунингдек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармасининг даврий нашри “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали ҳам 1956 йилдан бошлаб чоп

¹⁶ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 210-б.

этилиб келдики, унда ҳам диний-маърифий нашрларнинг тили ва услубига оид хусусиятлар, қолаверса, миллий матбуотимизнинг кўп йиллик анъаналарининг изчил давомини кузатишимиз мумкин.

Бугунги кунда ушбу анъаналарни юртимизда фаолият юритаётган юзлаб ОАВ қаторида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг даврий нашрлари саналган ҳамда бевосита ушбу соҳанинг диний-маърифий матбуотини ташкил этувчи “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ҳам самарали давом эттириб келмоқда.

1.2. Диний-маърифий матнларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари воқеликнинг таҳлилий, танқидий ва ахборий нуқтаи назардан ёритишга хизмат қилади. Газета материаллари умумий хабар ва маълумот беришга, шу кеча-кундузда юз бераётган жараёнларни ёритиб боришга асосланган бўлса, журналлар бир қадар мушоҳадавий таҳлилларга таянади. Газеталар даврийлиги қисқа бўлгани сабабли тезкорликни талаб қилади. Ундаги ахборот тезкорлиги билан журнал материалларидан ажралиб туради. Омманинг ижтимоий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашда газета материалларининг ҳиссаси катта улушни ташкил этади.

Ижтимоий қатламларнинг муайян соҳаларига ихтисослашиш ҳам газеталарга қараганда журналларда кўпроқ кузатилади. Журналларлар илм-фан, маданият ва санъат, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, спорт, матбуот, иқтисод, сиёсат каби ўнлаб соҳаларнинг ихтисослашган даврий матбуот нашри саналади. Ихтисослашув соҳасига қараб журнал материаллари, жанрий хусусиятлари, ахборотни баён этиш тарзи, услуби ва тилига оид жиҳатлари ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқланиб туради.

Соҳага оид матбуот нашрлари жамиятнинг муайян тармоқ ёки соҳасини ёритишга, унда бўлаётган янгилик, ўзгариш ва ислохотларни оммага таништириб боришга, шунингдек, ўқувчиларнинг шу соҳа билан боғлиқ ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади. Соҳага оид матбуот нашрлари омманинг маълум бир гуруҳи ёки аудиторияси учун

мўлжалланган бўлиб, ундаги маълумотлар оммабопликдан кўра шу соҳа кишилари учун хосдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бундай нашрларда мазкур соҳага оид атамалар – сўзлар, бирикмалар, иборалар, қисқартма ва атоқли отларнинг кенг қўлланилиши кузатилади.

Шунингдек, ушбу турдаги нашрларда уларнинг услуби ҳам етказилаётган маълумот ҳамда унинг аудиторияси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Нашрнинг умумий характериға караб материаллар услуби ҳам турлича бўлади.

Диний-маърифий соҳага оид матбуот нашрларида ҳам юқорида санаб ўтилган хусусиятларни учратишимиз мумкин.

Ўзбекистонда диний-маърифий соҳага оид матбуот нашрлари бугунги кунда асосан Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли “Мовароуннаҳр” нашриётида тайёрланади. Мазкур соҳанинг даврий матбуот нашрлари “Ҳидоят” журнали ҳамда “Ислом нури” газетаси ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу нашриётда “Тақвим” ва “Ирфон” тақвими ҳам нашр қилинади.

“Тақвим” ҳижрий йил ҳисоби бўйича бир йилда бир марта чиқадиган китобча бўлиб, унда асосан (Ўзбекистон ҳудудлари учун) бир йиллик намоз вақтлари кўрсатилади. Шунингдек, йил давомидаги муҳим тарихий саналар, ислом динидаги байрамлар ва муқаддас кунлар (кечалар) ҳақида қисқа маълумотлар берилади.

“Ирфон” тақвими эса диний-маърифий, илмий-адабий нашр бўлиб, ҳар чоракда бир марта чоп этилади. Унда ҳам Ўзбекистон ҳудудлари учун тўрт ойлик намоз вақтлари бериб борилади. Намоз вақтлари ёнида Қуръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтирилади. Шу билан бирга, тақвимнинг ҳар бир саҳифасига мақолалар жойлаштирилади.

“Ирфон” материалларининг тили ва услуби “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетасиникидан унча кўп фарқ қилмаса-да, муайян ўзига хосликларни кузатишимиз мумкин.

“Ҳидоят” журналининг ўзига хос услуби сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

I. Журнал тузилишидаги ўзига хосликлар.

1. Журналлар даврийлик нуктаи назаридан узоқ интервалга эга бўлгани сабабли кўпинча уларда хабар, янгилик ва шу каби ахборотлар учрамайди. Мазкур функцияни, одатда, асосан кундалик газеталар бажаради. Чунки янгилик ва хабарнинг тезкорлиги ва янгилиги вақт билан боғлиқ ҳолда аҳамият касб этади. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг у янгилик ҳатто ўз қимматини, ижтимоий аҳамиятини йўқотиши мумкин.

“Ҳидоят” журнали саҳифаларида мамлакатнинг диний-маърифий соҳаси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва унинг тизими фаолиятига оид ахборотлар, янгилик ва маълумотлар бериб борилади. Ислоҳ оламида юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги қисқа маълумотлар “Ислоҳ ва олам” умумий сарлавҳаси остида “Хабарлар” рукнига жойлаштирилади. Ўзбекистонда содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги хабарлар эса “Мамлакат янгиликлари” ёки “Идора ҳаёти” рукнлари орқали ёритиб борилади.

Мазкур услуб мамлакатимизда нашр этилаётган бошқа соҳаларга оид журналларда деярли учрамайди. Бунга мисол сифатида “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Бир сафда”, “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, “Шарқ юлдузи”, “Ҳуқуқ ва бурч” ва бошқа журналларни санаб ўтиш мумкин.

2. Журналнинг ҳар бир сонидан доимий ўрин олган рукнлар ҳам “Ҳидоят”нинг ўзига хос услуби саналади. “Тафсир”, “Бир ҳадис шарҳи”, “Яхшиликка чақириш”, “Ёмонликдан қайтариш”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Мазҳабимизни ўрганамиз”, “Мовароуннаҳр уламолари”, “Тиббиёт бурчаги”, “Аёллар саҳифаси”, “Олисларга саёҳат” каби доимий рукнлар орқали ўқувчилар ўзлари қизиққан масалалар юзасидан тадрижий ва давомли маълумот олишлари мумкин бўлади.

3. Журнал саҳифаларини безатишда матн ва тасвир уйғунлигига алоҳида эътибор берилади. Саҳифаларда интернетдан олинган мавзуга оид суратлардан кенг фойдаланилади. Шу билан биргаликда журналнинг ўз фотомухбирлари ҳам ўз ижод намуналари бўлган юртимиз ҳаётига доир бир-

биридан чиройли ва сифатли фотолаваҳа ва суратлари билан фаол қатнашиб туришади.

Бугунги кунда матбуот нашрлари орасида фото борасида фақатгина интернет имкониятларидан фойдаланиш билан чекланиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Чунки таҳририятга фотомухбир олиш, мавзуга оид янги ва сифатли суратлар билан газета ва журнал саҳифаларини чиройли безаб бориш алоҳида маблағ ҳамда анча меҳнат талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, бу борада ахборот агентликлари хизматида фойдаланиш бир қадар қулай ҳисобланади. Лекин бунда расмларнинг такрорланиб қолиши кузатилади. Буни эса ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

“Ҳидоят” журналида мана шу масалага ҳам алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, матнларни имкон қадар янги фотосуратлар билан бериш ташкил этилган.

II. Журналнинг матн услубидаги ўзига хосликлар.

“Ҳидоят” журналида нашрга тайёрланадиган матнлар услуб жиҳатдан бошқа журналлардан тубдан фарқ қилади. Мазкур фарқларни қуйидагиларда кўриш мумкин.

1. Журналнинг ҳар бир сони ислом динининг муқаддас анъаналаридан бири саналган “басмала”, яъни “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!” жумласи билан бошланади. Шунингдек, муфтий ва унинг ўринбосарларининг бирон муносабат билан эълон қилинадиган расмий чиқишлари ҳам “бисмиллоҳ...” билан бошланади. “Басмала”дан кейин Аллоҳга ҳамд ва пайғамбарга салавот айтилади.

Буни қуйидаги мисол воситасида кўриш мумкин:

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано, Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) дурудун салавот, саломларимиз бўлсин¹⁷.”

Бу мисол Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг журналнинг 2011 йил 1-сонидан эълон қилинган “Юртимиз

¹⁷ Алимов У. Юртимиз равнақи йўлида. // Ҳидоят, 2011. 1-сон. 1-б.

равнақи йўлида” мақоласидан келтирилди. Гувоҳи бўлганимиздек, мақолада диний ташкилотнинг раҳбари томонидан “басмала” билан бошланмоқда.

Шунингдек, журналнинг 2011 йил 11-сонига мурожаат қиламиз:

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Аллоҳ таолога чексиз ҳамду сано, Пайғамбаримизга дуруд, салавот ва саломлар бўлсин¹⁸”.

2. Журналнинг ихтисослашиш соҳаси ва умумий характеридан келиб чиққан ҳолда, унинг саҳифаларида Ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони карим оятлари ва ҳадислар бериб борилади. Айни мана шу мавзуларни кенг ёритиш мақсадида журналда “Тафсир”, “Бир оят шарҳи”, “Бир ҳадис шарҳи” каби рукнлар ташкил этилган. Бошқа нашрлардагидан фарқли жиҳат шундаки, тафсирлар келтирилганда, кўпинча оятларнинг асли берилиб, ёнига ўша оятларнинг маъно таржималари ёзилади. Қавс ичида мазкур оят мансуб бўлган суранинг номи ва оятнинг тартиб рақами кўрсатилади. Масалан, “Тафсир” рукни остида берилган қуйидаги мақола¹⁹ шундай бошланади:

خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ

وَأَمَّا يَنْزِعَنَّكَ مِنَ الشَّيْطَانِ نَزْعٌ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

“Афви (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгинг! Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир” (Аъроф, 199-200).

Худди ўша мақолада ҳадислар ҳам берилган:

“Ойшадан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳқирлаб, у зотга азият етказадиган бир киши бор эди. Бир куни у киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига кирди, у зот ўша одамга яхши муносабатда бўлдилар, ёнларига чақириб, унга марҳамат кўрсатдилар. Шунда Ойша (розийаллоҳу анҳо) “Ё

¹⁸ Мансур А. Хурсандчилик, меҳр-оқибат байрами. //Ҳидоят, 2011. 11-сон. 1-б.

¹⁹ Раҳимов Б. Кечиримли бўлиш –гўзал фазилат. //Ҳидоят, 2011. 1-сон. 4-б.

Расулуллоҳ Сизни ҳақоратлаб юрадиган шу киши эмасмиди?!” деб сўрадилар. Шунда у зот бундай дедилар: “Ҳа, шу эди. Эй Ойша, инсонларнинг энг ёмони – ёмонликлари ва тилларидан сақланиш учун ҳурмат қилинадиган кишилардир” (Бухорий/6032)²⁰”.

Аҳамият берадиган бўлсак, ушбу матнда ҳадис келтирилиб, унда ҳадислардан иқтибос келтиришдаги қоидаларга риоя қилинган. Жумладан, ҳадиснинг ровийси (Ойша (розийаллоҳу анҳо)) кўрсатилган. Энг эътиборли томони – ушбу ҳадис қайси муҳаддиснинг тўпламига мансублиги (Бухорий) ҳамда ҳадиснинг тўпландаги тартиб рақами (6032) ҳам келтирилган. Матнда ҳадислардан бундай шаклда фойдаланиш мақоланинг илмийлиги, ишончилиги ва мўътабар далилларга таянган ҳолда тайёрланганидан далолат беради. Шу билан бирга, мавзу юзасидан яна қўшимча маълумот олишни истаганлар учун тўпланинг ўша бобига муражаат қилиш орқали кўпроқ билимга эга бўлиш имконини беради.

Бу ўринда яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Журналда муқаддас манбалардан кўчирмалар эълон қилинишини инобатга олиб, таҳририят бу масаланинг ўзига хос тарафларига жиддий эътибор беришни ўқувчиларга эслатиб ўтади. Яъни, журналнинг ҳар бир сонида “Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз” деган ёзув журналнинг ҳар бир сонида эслатиб борилади.

3. Ислом одобларига кўра, пайғамбарлар, тарихий шахслар, олимлар ва бошқа аввал яшаб ўтган мусулмон кишиларнинг исмларидан кейин уларнинг ҳақларига дуо қилиш маъносини англатувчи кириш гаплар берилади. Бундай кириш гаплар араб тили грамматикасида “жумлаи дуоиййа” деб юритилади. Улар қайси исмдан кейин келишига қараб турли сўзлар билан ифода этилади. Масалан, пайғамбарлар исмидан кейин “алайҳиссалом” кириш гапи ишлатилади. Бундан фақатгина “Расулуллоҳ” сўзи ёки “Муҳаммад” исми (ёхуд шу исмни билдирувчи бошқа сўзлар) кўпгина ҳолларда истисно

²⁰ Раҳимов Б. Кечиримли бўлиш –гўзал фазилат. // Ҳидоят, 2011. 1-сон. 4-б.

қилинади. Бу исмдан кейин кўпинча “алайҳиссалом” ўрнига “соллаллоҳу алайҳи ва саллам” қўлланилади. Масалан: “Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир мусулмонга илм-ҳунар эгаллаш фарздир”, деб марҳамат қилганлар²¹”.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида яшаган, у зот билан кўришган ва мусулмон бўлган инсонларнинг исмидан кейин “Аллоҳ ундан рози бўлсин” маъносидаги “розийаллоҳу анҳу” (аёллар учун “розийаллоҳу анҳо”) ишлатилади. Масалан: “Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоҳу анҳум) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Убайда ибн Жарроҳни бош қилиб бизларни Қурайш қарвони ортидан юбордилар²²”.

Ундан кейин яшаган кишилар номларидан кейин эса “раҳимахуллоҳ”, “раҳматуллоҳи алайҳи” кириш гаплари келтирилади. Масалан: “Шаъбий (раҳимахуллоҳ) айтишича, Ҳазрат Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу): “Сабр имон учун танадаги бош қаби зарурдир”, деганлар²³”.

Бу ўринда иккита тарихий шахс номи келтирилган бўлиб, уларнинг бири – Шаъбий кейинги аср олимларидан бўлгани сабабли “раҳимахуллоҳ” лафзи билан зикр қилинган. “Қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу” эса асосан Али ибн Абу Толибга нисбатан ишлатилади.

4. Бошқа нашрлардаги мақолалар муайян кириш қисмидан иборат бўлади. Бу қисм беш-олтита жумла, бир сатрбоши ёки ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. “Ҳидоят” журнали материалларида эса бундай кириш қисмлар деярли берилмайди. Мақола матни тўғридан-тўғри асосий фикр ёки масаладан бошланади. Масалан: “Муҳаммад Иқром ибн Абдуссалом Бухорий XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг таниқли ва кўзга кўринган зиёлиларидан бири эди. У 1855 йили Бухоронинг Галаосиё тумани Боғикалон

²¹ Маҳмудов.Р Илм-ҳунар эгаллаш фарз. // Ҳидоят, 2011. 2-сон. 2-б.

²² Аҳмад Муҳаммад. Абу Убайда ибн Жарроҳ. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 1-сон. – Б.11 .

²³ Абдулмажид Н. Шаъни улуғ ибодатлар. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 9-сон. – Б.4.

кишлоғида дунёга келади. Бошланғич мактабдан сўнг 1860 – 1880 йилларда Бадалбек мадрасасида ўқийди²⁴”.

Аҳамият берсак, мақола XIX асрнинг 2-ярмидаги ижтимоий воқелик ҳақида ёки маърифатпарвар-зиёлиларнинг фазилатлари ҳақида ҳам баҳс юритмайди. Балки у мавзунини тўғридан-тўғри асосий қисмдан бошланади. Мақоланинг кириш қисмини ташкил қилувчи умумий матн битта жумладан иборат бўлган, холос. Бир-бир ярим саҳифа ҳажмдаги мақоланинг узундан-узоқ кириш қисмлардан ташкил топиши унинг таъсирчанлигини ҳам камайтиради.

5. “Ҳидоят” Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий журнали ҳисобланса-да, ундаги мақолалар кенг ўқувчилар оммаси учун тушунарли ҳолда баён этилади. Масалан:

“1978 йили ўрта мактабни битирдим. Ягона орзуйим Мир Араб мадрасасига ўқишга кириш эди. Лекин ўша пайтлар мадрасага кириш осон эмасди. Чунки у ерга бир йилда атиги ўн та бола қабул қилинар, ҳаммаси бўлиб элликта талаба ўқир эди²⁵”.

Дин пешвоси, Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Али” жоме масжидининг бош имом-хатиби Салоҳиддин Шариповнинг ушбу мақоласи оддий, содда ва халқчил услубда ёзилгани билан эътиборлидир. Мақоладаги жумлалар қисқа ва содда, ўқувчининг тушуниши учун бирон-бир қийинчилик туғдирмайди. Бу ўринда журнал таҳририятининг ўқувчилар оммасига ҳам муҳим аҳамият берганини таъкидлаб ўтиш зарур. “Ҳидоят” журнали ўз соҳасининг етук мутахассислари, йирик олимлар, илғор зиёлилар билан бир қаторда аҳолининг турли қатламларига мансуб кишиларнинг ҳам бир хилда ўқиб фойдаланишларини назарда тутди. Журнал саҳифаларида имкон қадар турли соҳаларга оид ранг-баранг материаллар бериб боришга ҳаракат қилинади. Журналдаги ўз соҳаси ва йўналишидан ташқари тиббиёт, ҳуқуқ,

²⁴ Аминов Ҳ. Домла Икромча. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 10-сон. – Б.12.

²⁵ Шарипов С. Қадри баланд неъматлар. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 7-сон. – Б.1.

иктисод, тарих каби бир неча соҳаларга оид чиқишлар фикримизга ёрқин далил бўла олади.

6. Журналда диний-маърифий соҳага оид атама, бирикма ва иборалар кенг истеъфода этилади. Журнал материалларида “истибро”, “таяммум”, “тафсир”, “калом”, “сура”, “оят”, “ҳошия”, “муфассир”, “муҳаддис”, “табақот”, “фақиҳ”, “муҷтаҳид”, “умра”, “саъй” каби диний матнларда кўп учрайдиган сўзлар; “Имом Бухорий ва Муслим ривояти”, “Ҳоким ривояти”, “нафл ибодатлар”, “мисвок ишлатиш”, “таҳлил қилиш”, “такбир айтиш” каби бирикмалар; “Арафот”, “Муздалифа”, “Кўфа”, “Басра”, “Нисо”, “Қурия” каби жой номлари; “соллаллоҳу алайҳи ва саллам”, “алайҳиссалом”, “розийаллоҳу анҳу”, “раҳимаҳуллоҳ”, “Аллоҳ раҳмат қилсин!” сингари кириш сўз ва кириш гапларни деярли барча материалларда учратиш мумкин.

Масалан: “Бешинчи хил – Ақидаси заиф муаллифлар ёзган ё машҳур фақиҳлар ишончсиз, деб ҳукм қилган ёки заиф масалалардан холи бўлмаган китоблар²⁶”. Ушбу жумлада диний-маърифий соҳага оид тўртта бирикма (“ақидаси заиф муаллифлар”, “машҳур фақиҳлар”, “ишончсиз ҳукм” ва “заиф масалалар”) ишлатилган. Жумладаги “заиф” ва “машҳур” сўзлари ҳам исломшунослик соҳасига оид атама бўлгани сабабли оммага маълум бўлган луғавий маъносидан бошқа маънода қўлланилган.

Яна бир мисол: “Бешинчи рутба – бу масала хусусида келган бир неча ривоятлардан қайси бири устун эканини “бу авло, бу асах” деб ажратиб бера оладиган Абулҳасан Қудурий, Бурҳониддин Марғинович (раҳматуллоҳи алайҳим) каби фақиҳлар²⁷”.

Бу мисолда “рутба”, “масала”, “ривоят”, “авло”, “асаҳ”, “фақиҳ”, атамалари ҳамда “раҳматуллоҳи алайҳим” кириш гапи ишлатилган.

Журнал саҳифаларида бундай мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин.

²⁶ Примов С. Фақиҳларнинг рутбалари. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 4-сон. – Б.14.

²⁷ Примов С. Фақиҳларнинг рутбалари. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 4-сон. – Б.12.

1.3. “Ҳидоят” журнали материалларининг лисоний жихатлари Журнал материалларининг тил билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари.

Сўз қўллаш масаласи. “Мустақиллик ўзбек тили тарихида катта ўзгариш ясади. Тарихий сўзлар истеъмолдан чиқиб, айрим сўзлар янги маънода ишлатила бошлади. Кўпгина сўзла илгаригидек фақатгина рус тили орқали эмас, балки бошқа тиллардан ҳам кириб кела бошлади. Албатта, тилдаги бу ўзгаришларни жамиятдаги ўзгаришларга қиёслаб бўлмайди²⁸”.

Журнал таҳририяти матндаги ҳар бир сўзга алоҳида аҳамият қаратади. Материалларнинг таъсирли, тушунарли ва ўқувчи учун фойдали бўлиши, аввало, матн таркибини ташкил қилувчи сўзларнинг мавзуга нақадар мувофиқ келиши, ўзига юклатилган маъно ва мазмунни қай даражада ёритиб бера олишига урғу берилади. Шу билан бирга, халқ орасида кўп ишлатиладиган, кўпчиликка тушунарли ва маълум бўлган сўзлар ҳам кенг ишлатилади. Бошқа ОАВ деярли ишлатилмайдиган, лекин ўзбек тилининг сўз бойлигини ўзида ифодаловчи нодир ва ноёб сўзларни топиб, ўз ўрнида ишлатиш таҳририятнинг доимий фаолияти сирасига киради. Журнал материаллари билан танишаётган киши ундан эҳтиёжи учун зарур ахборотни олиши билан бирга таҳририятнинг она тилимизни асраб-авайлаш борасида саъй-ҳаракатларининг ҳам гувоҳи бўлади. Бу фикрлар мисоллар ёрдамида янада ёрқинроқ идрок этилади.

Журналнинг қуйидаги мақоласи шундай бошланади: “Бир парча эт эдик, онамиз туну кун бошимизда парвона бўлиб, оқ ювиб оқ таради. Атак-чечак қилиб юрсак, йиқилмасин дея ортимиздан эргашди. Ширин овқатлар пишириб берганида баъзан хархаша қилдик, емадик, тўкиб-сочдик”²⁹.

“Бир парча эт”, “оқ ювиб оқ таради”, “атак-чечак”, “хархаша” каби сўзлар тилимизда нисбатан кам ишлатилади. Соҳага оид илмий-адабий нашрларда эса янада камроқ. Лекин ушбу сўзлар халқчил ва халқона

²⁸ Ўзбек тилининг имло луғати. – Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 1998. – Б.3.

²⁹ Носирова З. Мехрини аямас. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. 12-сон. – Б.15.

тилимизнинг жонли ифодаси бўлгани сабабли уларнинг тушунилиши ҳам, таъсир қилиши ҳам ўзига хос бўлади. Шу билан бирга, муаллифнинг нақадар сўзга усталигидан ҳам далолат бериб туради. Халқона сўзларнинг матнда ишлатилиши материалнинг халқнинг юрагига етиб боришига яхши бир восита бўлиши ҳаммамизга яхши маълум.

1. Бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг ишлатилишида ҳам журнал таҳририятининг ўз илмий қарашлари мавжуд. Ҳар бир тилга муомала жараёнида эҳтиёжга кўра бошқа тиллардан айрим сўзлар кириб келади. Бундай сўзлар ўз навбатида она тилининг бойишига сабаб бўлади. Шунингдек, ифода имкониятларини кенгайтиради. Лекин бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ишлатилиши она тилини камситиш, унинг анъанавий заҳираларидан воз кечиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Агар бу масалага жиддий эътибор қаратилмаса, миллатнинг асосий белгиларидан бирини ўзида ифода этувчи она тилининг қадри ва мавқеи йўқола боради. Хусусан, ўзбек тилида мос келувчи муқобиллари бўла туриб, бошқа тиллардаги сўзларни ишлатиш нутқ равонлиги, гўзаллиги ва таъсирчанлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Она тилининг бебаҳо сўз ва иборалари истеъмолдан четда қолиб, йиллар ўтиши давомида унутилиб боради.

“Ҳидоят” журнали материалларида таҳририят ходимларининг алоҳида жонбозликлари туфайли бундай салбий ҳолат кузатилмайди. Журналнинг бирон сонидан бу билан боғлиқ муаммо ёки камчиликни учратолмаймиз. Журналнинг бу жиҳати бошқа ОАВ орасида намуна бўлишга арзигувлик ҳолдир.

Бошқа тиллардан кириб келган ва ўзбек тилида уни ифодаловчи сўз ёки унинг муқобили бўлмаган ҳолларда бундай сўзлар ўзбек тили қоидаларига мослаштирилган шаклда қабул қилинади. Масалан, рус тилидан кириб келган “стакан” сўзи журналда “истикон” тарзида ишлатилади. Масалан, “Ўттиз грам тоғрайҳонни бир литр қайнаган сўвга солиб, икки соат дамлаб қўйинг. Сўнг эллик грам асал қўшиб, яхшилаб аралаштиринг. Ҳар куни овқатдан

кейин чорак, **ярим истикондан ичиб турсангиз**, бу моддалар алмашинувини яхшилади, қон ҳосил бўлишига ижобий таъсир қилади”³⁰.

Таҳририят сўзнинг бундай вазиятдаги ўзлаштирилишини қуйидагича далиллайди:

Биринчидан, бошқа тилларда кириб келган сўзлар ҳар бир тилнинг ички қонуниятлари асосида муайян ўзгаришларга юз тутиши табиий. Мисол тариқасида “Туркия” сўзининг рус тилига “Турция” шаклида кириб боргани кўрсатилади. Ваҳоланки, сўзни ўзгантирмасдан худди ўзидай қилиб “Туркия” шаклида ишлатишга рус тилининг ҳарф имкориятлари тўла етарлидир. Лекин тилга қўлай бўлгани сабабли рус тилида бу сўз айнан “Турция” шаклида ишлатилиши қабул қилинган ва унинг “Туркия” шакли рус тилшунослиги нуқтаи назаридан нотўғри ҳисобланади.

Иккинчидан, битта бўғинда иккита ундошнинг кетма-кет келиши асл ўзбек тилидаги сўзларда учрамайди. Бундай ҳолат фақат бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардагина кузатилади. Чунки ўзбек тилида сўзни бундай тарзда талаффуз қилиш нисбатан ноқулай (ёки қийин) ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда “стакан” сўзини “истикон” шаклида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, бу сўзни англлатувчи предметнинг ўзи ҳам асли ўзбек халқига руслардан кириб келган бўлиб, уни ўзбек тилида мавжуд бўлган “пиёла”, “коса” сўзлари билан ифодалашнинг имкони йўқ. Чунки ўзбек халқида бу сўзлар воситасида “стакан” маъносини англлатиб бўлмайди. шу сабабга кўра, мазкур буюм халқимизга кириб келиши билан доно халқимизнинг уни миллий тил меъёрларига таянган ҳолда халқона оғзаки нутқда “истикон” шаклида ишлатиб келгани урф бўлган. Бу сўзнинг шундай ишлатилиши тушунмовчилик ва чалкашликлар келтириб чиқармайди. Шунингдек, миллий тил хусусиятларига ҳам тўла мувофиқ келади.

³⁰ Мирзашарипов М. Кўп дардга даво. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 7-сон. – Б.32.

Шунга кўра, журнал материалларида “компьютер” сўзи “компутер”, “Грузия” сўзи “Гуржистон”, “корейс” сўзи “карис”, “цемент” сўзи “семун” шаклида ифода этилади.

Бу фарқларни қуйидаги жадвалда яққол кўришимиз мумкин:

№	Имло луғатида	“Ҳидоят” журналида	Манба
1	Грамм	грам	2011 йил 3-сон, 31-бет
2	стакан	истикон	2011 йил 7-сон, 32-бет
3	Корея	Қурия	2011 йил 2-сон, 15-бет
4	Грузия	Гуржистон	2011 йил 11-сон, 16-бет
5	Инсулт	инсулт	2011 йил 11-сон, 32-бет
6	Компьютер	компутер	2011 йил 1-сон, 12-бет
7	Факультет	факултет	2011 йил 1-сон, 7-бет
8	Фильм	филм	2011 йил 1-сон, 7-бет
9	Европа	Оврупа	2011 йил 1-сон, 17-бет
10	Германия	Олмония	2011 йил 1-сон, 17-бет
11	Корейс	карис	2011 йил 1-сон, 29-бет
12	Татар	тотор	2011 йил 1-сон, 29-бет
13	Франция	Франсия	2010 йил 12-сон, 17-бет
14	Цемент	семун	2010 йил 12-сон, 17-бет
15	Тунгон	дўнган	2010 йил 12-сон, 30-бет
16	Октябрь	октябр	2011 йил 11-сон, 6-бет
17	Грузин	гуржи	2011 йил 11-сон, 16-бет
18	Кардова	Қуртуба	2011 йил 2-сон, 15-бет

2. Сўз имлоси билан боғлиқ масалалар.

Журнал материалларини кўздан кечирганда унда таҳририят томонидан тил ва услуб борасида янги-янги ўзгаришлар ҳамда илмий-ижодий ғоялар илгари сурилаётганининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек тилининг имло қоидалари йиллар давомида назарий жиҳатдан такомиллаштирилиб, амалий

тажрибалардан ўтиб келаётган бўлса-да, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ўзбек тилининг имлоси устида кетаётган илмий баҳслар соҳадаги янги имкониятларни излаб топиш ва амалиётга кенг тадбиқ қилиш йўлидаги ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Тилшунос-адабиётшунос олимлар, журналистлар ва ёзувчи-шоирлар томонидан имло борасида энг тўғри ва қулай шаклларни жорий қилинишига эришиш долзарб масалалардан бўлиб бормоқда.

Сўзларнинг имлоси борасида ҳам тахририятнинг ўз нуқтаи назар ва карашлари мавжуд. Жумладан, рус тилидан кириб келган ҳамда ўзбек тили имлосида сезиларли аҳамият касб этмайдиган айрим элементлар журнал материалларида тушириб қолдирилади. Масалан: “Мутахассислар айрим ғарб мамлакатлар ёшлари орасида урчиган ахлоқсизлик, фахш, зўравонлик иллатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишган. Ҳарвард университети тиббиёт **факултетида** олиб борилган тадқиқотларга кўра, бола ўн саккиз ёшга етгунича телетасвирда бир юз саксон минг марта зўравонликни томоша қиларкан. Булардан саксон мингтаси қотилликка доир кўрсатувлардир.

...Хитой ҳукумати 2008 йил бошида шарм-ҳаёсиз **филмларни** суратга олишни расман таъқиқлади”³¹.

Келтирилган парчада “факультет” ва “фильм” сўзлари гарчи имло луғатларида юмшатиш белгиси билан ёзилиши кўрсатилган бўлса-да, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирон-бир аҳамият касб этмагани сабабли юмшатиш белгисиз келтирилган. Шунингдек, йил ойларининг номлари ҳам (январ, феврал, апрел шаклида) юмшатиш белгисиз ёзилган.

Рус тилидан кириб келган “ц” ундоши иштирок этган сўзлар ҳам вазиятга қараб, халқчил тарзда қўлланувчи шаклларда берилган. Масалан: “Комор ороллари Федератив Республикаси таркибига кирувчи Майотта ороли аҳолиси 2009 йил баҳорида ўтказилган **умумхалқ сўровида (референдум) Францияга** бирлашишни ёқлаб овоз берган эди”³².

³¹ Минҳожиддин Мирзо. Маънавият – инсон зийнати. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 1-сон. – Б.7.

³² Аҳмад Турсун. Комор ороллари Федератив Республикаси. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. 12-сон. – Б.17.

Келтирилган жумлада “Франция” сўзи “Франсия” шаклида берилиши талаффузга енгиллиги ҳамда халқчиллиги билан эътиборлидир.

Шунингдек, “й” ва “а” харфлари кетма-кет келаётган сўзларда улар яхлид “я” харфига айланиб кетмасдан ўз ҳолича қолдирилади. Бу ҳолат лотин графикасига асосланган имлода ҳам ўз аксини топган. Масалан: “Ислом тарихида биринчи инсонпарварлик ёрдамчиси Амр ибн Осс (**розийаллоҳу анҳу**) шу тариқа уюштирган эди. У киши ташкил қилган катта ёрдам туфайли кўп инсонлар очарчиликдан қутулишди”³³.

Қисқача қилиб айтганда, журнал она тилимизнинг ривожини ва софлигини борасида ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга. Журналда эълон қилинган кўйидаги мақолада ҳам худди шу ҳолатни кўришимиз мумкин.

“Тил миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси ҳамдир. Шу сабабли ҳам “Тил бойлиги – эл бойлиги” дейишади. Тилни асраш, авайлаш, бойитиш, мазмунли сўзлаш ҳар ибронинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Қадимда этчиларнинг тилига, гапириш оҳангига разм солиб, халқининг маданияти, дини ва урф-одатларига илғаб олишган. Адиблардан бири: “Тил миллатнинг юрагидир” деган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қбул қилинганга йигирма икки йил тўлди. Йигирма биринчи октябр ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида тарихимизга муҳрланди. Ўзбек тили Мавлоно Лутфий, ҳазрат Алишер Навоидан то шу кунларгача машаққатли ва олис йўлни босиб ўтди. Аждодларимиз, адибларимиз асрлар давомида ўзбек тилининг давлат тили бўлишини орзу қилишди. Бугун эса баъзилар ушбу неъматнинг қадрига етмай, тилимизни бузиш, хато талаффуз қилиш каби ҳолатларга эътиборсиз. Ҳолбуки ҳамма тилни ҳурматлаш одобини, нутқ маданиятини ўрганиши зарур. Буни оиладан, таълим муассасаларидан бошлаш керак. Зеро, оғзаки нутқ маданиятини билиш тилга ҳурмат – элга ҳурмат маъносидан ҳам юксак фазилат ҳисобланади.

³³ Аҳмад Муҳаммад. Амр ибн Осс. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. 12-сон. – Б.11.

Кўчалардаги реклама ёзувларида ҳам, дўконларнинг тепасида ҳам имловий хатоларни ёки соф ўзбек тилидан шекиниш ҳолларини кўриб, ачиниб кетасан.

Олти ёшли жияним ҳеч кутмаган пайтимда: “Салон красоты”га оборинг, деб қолди. Ғалати эшитилган бу сўзни тушунмагандай опамга қарадим. “Тоғаси, бу сартарошхонани айтяпти. Ўзиям икки кундан бери хархаша қилади”, деди опам. Эътибор қилинса, жойлардаги ҳар беш-олти соч парваришлаш, олдириш ўринларидан биттаси “Сартарошхона” ёки “Гўзаллик салони”, қолганлари эса “Салон красоты” бўлган. Бир дўкон тепасига “2000 hildagi oboylar” деб ёзиб қўйишибди. Биринчи сўзда “х” харфи ўрнига “h”ни, иккинчисида эса русча “обой” сўзига ўзбекча “лар” қўшимчаси қўшилган. Ушбу иборани чиройли қилиб, соф она тилимизда “2000 xildagi gulqog`z” деб ёзса бўлади-ку! Шу сингари машиналарда: “Лицензиясиз йўловчи ташиш конунда хилоф” каби ибораларни ўқиган киши йўловчиларга ҳам лицензия бериладими, деб ҳайрон бўлмайдими?

Эҳтимол, айримлар “Салон красоты” атамасига анча кўникиб қолгандир. Ўқишни энди ўрганаётган боғча боласи ёки мактабга бораётган ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз ҳижолатсиз “Салон красоты” деб гапиришяпти, шундай ёзишяпти ҳам.

Бу каби лоқайдлигимиз ортида тилимизга ҳурматсизлик, кўр-кўрона тақлид, тил қоидаларини бузиш каби иллатлар ётгани наҳот сезилмаётган бўлса. Келажак авлодни билимли, ватанпарвар, миллий анъаналаримизга содиқ, она тилимиз жонкуярлари қилиб тарбиялашимиз зарур эмасми?..”³⁴

Журнал таҳририятининг тил софлиги ва ривожини йўлидаги бундай ҳаракатлари бошқа ОАВга ҳам намуна бўла олади. Ҳар бир ОАВ она тилининг келажак учун қайғурса, уни асраб-авайлашга, ноёб анъаналарини сақлаб қолишга ва янада бойитишга имкон қадар ўз ҳиссасини қўшиб борса, нафақат оммавий ахборот воситаларининг тили, она тилимиз ҳам сайқалланиб боради.

³⁴ Абдуллоҳ Нуруллоҳ ўғли. Тил – миллий бойлигимиз. Ҳидоят. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 11-сон. – Б.6.

II боб. “Ислом нури” газетасининг ўзига хос хусусиятлари

2.1. “Ислом нури” газетасида ахборот материалларининг ёритилиши

Оммавий ахборот воситалари ичида газета – янги сўз, ибора, бирикмаларнинг энг сезгир кўзгусидир. Газета-публицистик услубининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда кўп жихатдан шу услубга хос бўлган лексик воситалар жамғармасини шакллантиришга интилиш кузатилади.

Ижтимоий ҳаётдаги бир қатор ижобий ўзгаришлар (масалан, сўз эркинлигининг эълон қилиниши, цензуранинг бекор қилиниши, хур фикрлик ва бошқалар) ҳам газета тили ва услубидаги воситалар катламининг қайта жойлашишига сабаб бўлди.

Газета тилининг асосий хусусиятлари унинг асосий вазифалари билан боғлиқдир. Газета лексикасида ҳозирги пайтда инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари, диний ва ахлоқий қадриятлар, тасаввуфга оид сўзларни ишлатиш анча кенгайди. Рамазон, ҳайит, қурбонлик, тасаввуф, ибодат, савоб каби сўзлар мустақиллик йиллари матбуотида тез-тез учрайдиган бўлди³⁵.

Шу билан бирга, айнан шу соҳага ихтисослашган матбуот нашрлари фаолияти ривожланди. Бир томондан бу халқнинг мазкур нашрларга эҳтиёжи ортиши билан изоҳланади. Чунки узоқ давом этган мустабид тузум даврида бутун бир халқнинг ўз маънавий илдизларидан узиб қўйилиши мисли кўрилмаган аянчли ҳолат эди.

“Ислом нури” газетаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий нашри ҳисобланади. Газета мамлакатимиз ҳали истиқлолга эришишидан олдин – 1990 йилнинг 1 мартидан чиқа бошлаган. Ўтган йиллар давомида газетада бир қанча етук мутахассислар хизмат қилиб ўтди. Бугунги кунда унга Исомиддин Алимов муҳаррирлик қилмоқда. Ҳозирда газетанинг умумий адади ўн беш минг нусхани ташкил қилади. “Ислом нури” газетаси асосан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги муассасалар

³⁵ Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Т, 2012.– Б. 17.

доирасида тарқалган. Шу билан бирга, мазкур соҳага қизиқувчи аҳолининг турли қатламлари орасида ҳам маълум.

“Ислом нури” бир ойда икки марта нашр қилинади. Бу жиҳатдан республикадаги бошқа газеталардан анча фарқ қилади. Чунки бугунги кунда ахборот тезкорлиги масаласига жамиятимизда асосий тушунчалардан бири сифатида қаралмоқда. Вақтли матбуот нашрлари телевидение ва радио, интернет ва бошқа электрон ахборот воситаларининг даврилиги нисбатан кичик ҳамда муайян тезкорлик хусусиятига эга эканлиги билан эътиборлидир. Худди шу жиҳатдан газета ҳам воқеликнинг оммага аниқ ва тезкор суръатда етказиб бериши кўзда тутилади. Газеталарнинг айна мана шу хусусияти уларнинг ҳафталик ёки кундалик нашр эканидан юзага келади. Бугунги глобаллашув шароитида кунига бир неча марта чиқадиган нашрлар ҳам ривожланаган давлатлар матбуотида кузатилмоқда.

Бу борада “Ислом нури” газетасида бир оз бошқачароқ ёндашувнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни, газетанинг даврилиги узоқ. Лекин бу ундаги маълумотларнинг истеъмолга яроқсиз шаклга келитириб қўяди, деёлмаймиз. Чунки газетани тайёрлаш жараёнида унинг даврилиги ҳам, албатта, кўзда тутилади.

Аслида газеталар кундалик воқеа-ҳодисалар, хабар ва янгиликларни оммага ўз вақтида, тез ва сифатли етказиб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мамалакатда ва бошқа минтақаларда айна дамда юз бераётган жараёнларни кўпроқ ахборий тарзда баён қилади. Масаланинг моҳиятини тўла очиб берувчи илмий-таҳлилий материалларни ўз саҳифаларида ёритиб бориш газетанинг эмас, асосан журналларнинг вазифалари сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси бир қарашда бир-биридан кескин фарқ қилувчи нашрлар сингари кўринса-да, уларнинг мақсад ва мавзу мундарижасида бу ҳолат деярли акс этмайди. Айниқса, 2009 йилдан мазкур нашларнинг таҳририятлари бирлаштирилиб, “Мовароуннаҳр” нашриёти сифатида қайта ташкил этилгани уларнинг фаолиятларида ҳам муштараклик

пайдо бўлишига олиб келди. Бугунги кунга келиб эса бу икки нашрнинг рукн ва мавзулари бир-бирига яқинлиги билан аҳамият касб этмоқда. Газетанинг 2011 йилги сонларини кузатганда бунга янада кўпроқ амин бўламиз. Жумладан, “Ҳадис шарҳи”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Яхшиликка чақириш”, “Ёмонликдан қайтариш”, “Мамлакат янгиликлари”, “Мактублардан манзаралар”, “Аёллар саҳифаси”, “Шеърят” каби рукнлари журналда ҳам газета саҳифаларида ҳам учратишимиз мумкин. Шунингдек, тил ва услуб борасида юқорида “Ҳидоят” журнали материаллари таҳлилида билдириб ўтилган фикр ва мулоҳазалар айтилган пайтда “Ислом нури” газетаси материаллари учун ҳам тааллуқлидир.

“Ислом нури”да Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизими ҳаётида юз бераётган ўзгариш ва янгиликларни ёритиб боришга “Ҳидоят” журнаliga караганда кенгроқ ўрин берилади. Хабар ва янгиликлар учун газетада бир неча рукнлар ташкил қилинган. Уларнинг бири “Мамлакат янгиликлари” бўлиб, бу рукн “Ҳидоят” журналида ҳам кузатилади. “Ислом нури”да эса Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг матбуот хизмати, Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда фаолият юритаётган ахборот агентликлари маълумотлари асосида тайёрланган материаллар мунтазам бериб борилади. Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар ҳақидаги хабар ва янгиликлар асосан “Юрт ичида” рукнида ёритилади. Мазкур рукн газетанинг биринчи саҳифасида акс этади. Хабар ва янгиликларни оммага тақдим этишда турли воситалар (сўз ва фото)дан фойдаланилади. Хабарларни жойлаштиришда эса, аввало, уларнинг муҳимлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, юртимиздаги воқеа-ҳодисалардан дастлаб мусулмонлар идораси фаолияти билан боғлиқ бўлганлари, кейин эса мамлакат ҳаётига оид бошқа хабар ва янгиликларга ўрин берилади. Жаҳон мамлакатларида рўй бераётган ислом дини билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабар ва янгиликлар эса турли ахборот агентликларидан араб, турк ва рус тиллари орқали олинди,

таржимада берилади. Бундай материаллар асосан “Юрт ташида” ёки “Чет элларда” рукнларига жойлаштирилади³⁶.

Газетадаги рукнлар баъзан шакл жаҳатдан ўзгариб туриши кузатилади. Масалан, газетанинг 2011 йил 1-сонда Ўзбекистонда юз бераётган воқеа-ходисалар ҳақидаги хабар ва янгиликлар “Юрт ичида” рукни остида берилган бўлса, 5-сонда айти шу саҳифадаги шундай мавзудаги хабарлар “Юртимизда” рукни орқали нашр қилинган. Бу ҳол газетанинг 11,12 ва 14-сонларида ҳам кузатилади. Шунингдек, газетанинг 2011 йил 9-ва 10-сонларида айтишу саҳифага “Илм масканларида” рукни остидаги хабарлар жойлаштирилган. 21-сонда “Юртимизда” рукни одатдагидай биринчи саҳифада эмас, еттинчи саҳифада берилган.

Ҳар ҳолда газетанинг ҳар бир сонидида – у қайси рукн ва саҳифада жойлашишидан қатъий назар – хабар ва янгиликларнинг бериб борилиши омманинг ушбу соҳага оид ижтимоий ахборотга бўлган эҳтиёжини аъминлашга имкон қадар хизмат қилмоқда.

Энди мазкур газетада ахборот материалларининг ёритилиш тарзи ҳақида тўхталиб ўтамиз.

“Ислом нури” газетаси хабарларни ёритишда уларнинг қачон бўлиб ўтгани ҳақида маълумот бермайди. Балки ҳар ўн беш кунда бир марта чиқадиган нашр учун воқеанинг қачон содир бўлгани унчалик аҳамиятли эмасдир. Энг муҳими, оммага шу ҳақдаги ахборотни етказиб қўйиш ва билдириш мақсад қилинади. Масалан: “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан “Саййид Муҳйиддин Маҳдум” Ислом ўрта махсус билим юрти талабаларининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳабибулло ота Ҳакимов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилояти вакили Нуриддин Ҳолиқназаров иштирок этди”³⁷.

Хабар ва янгиликларнинг айримлари рукндан кейин алоҳида сарлавҳа остига жойлаштирилса, кўпчилиги умумий рукн остида бериб кетилаверади.

³⁶ Қаранг: Чет элларда. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 9-сон. – Б.12-13.

³⁷ Илм масканларида. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 10-сон. – Б.1.

Масалан, газетанинг 2011 йил 1-сони “Юрт ичида” рукнида иккита хабар келтирилган бўлиб, уларнинг бирига “Минтақавий анжуман”, иккинчисига эса “Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди” сарлавҳалари танланган.

Айрим ахборот материаллари хроника тарзида берилганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, газетанинг 14-сонида: “Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига Тошкент шаҳрида 314 та янги ижтимоий объект, мажмуа, гузар ва савдо шахобчаси очилади, деб хабар беради Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси. Юнусобод тумани энг кўп қурилишлар майдонига айланди. Бу ерда 102 та иншоот қуриб битказилди. Шунингдек, Ҳамза, Миробод, Олмазор, Чилонзор, Бектемир, Шайхонтахур, Учтепа ва Яккасарой туманлари аҳолисига ҳам бир қатор янги маданий-маиший, савдо-сотик, спорт иншоотлари хизмат қила бошлайди.

1 сентябр куни:

- Халқаро симпозиумлар маркази ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг янги биноси ишга туширилиши режалаштирилган. Бу бино ноёб меъморий ечимга эга илмий-техник мажмуа бўлади.

- Чорсу даҳасида янги “Тошкент” савдо маркази иш бошлайди.

- Ибн Сино даҳасини Бешқайрағоч даҳаси билан боғлайдиган трамвай йўли қурилишининг учинчи навбати фойдаланишга топширилади.

- 16 та икки қаватли дўконлардан тшқил топган янги Фарҳод савдо ярмаркаси аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

- “Жар” спорт мажмуасининг ёнида Республикада биринчи марта барпо этилган олти қаватли автоуловлар турар жойи фойдаланишга топширилади. Кейинчалик шундай кичик ҳажмли, яъни, икки қаватли автоуловлар турар жойлари мавзелар ичкарасидаги майдонларда ҳам қурилиши кўзда тутилган”³⁸.

³⁸ Байрам тухфалари. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 14-сон. – Б.1.

Гувоҳи бўлганимиздек, “Ислом нури” газетасининг ахборот материалларида ҳам газетанинг кўпгина ўзига хос хусусиятларини кузатишимиз мумкин.

2.2. “Ислом нури” газетасида лисоний ва услубий таҳрир масаласи

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Ислом нури” газетасининг тили ва услуби масаласи шу соҳага оид бошқа диний-маърифий нашрлар, хусусан, “Ҳидоят” журнали материалларидан унча кўп фарқ қилмаса-да, жамиятимиздаги турли газеталарнинг тили ва услубидан сезиларли даржада ажралиб туради. Мазкур фикрни газета саҳифаларида эълон қилинган ранг-баранг мақолалар таҳлили воситасида ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Газета материалларининг омма учун қизиқарли, аҳамиятли ва фойдали бўлиши ҳақидаги илк ва асосий белги, аввало, унинг сарлавҳасида акс этиши лозим. Айниқса, бугунги тезкор даврда инсон тобора қисқа фурсатлар ичида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилади. Шу сабабли, газета ёки матбуот материалларининг барчасини бир бошдан ўқиб чиқишга ҳамма ҳам кунт қилавермайди. Натижада, танлов юзага келади ва ўқувчи газета материалларининг айримларинигина тўлиқ ўқиб чиқади, холос. Муаллиф ва таҳририят эса ўқувчига имкон қадар севиб ўқиладиган маълумот тақдим этишга интилади. Бу ўринда материаллар сарлавҳасини алоҳида эътибор билан танлаш муҳим аҳамият касб этади.

“Маълумки, ҳар қандай сарлавҳа уч вазифани бажаради:

- 1) мақолани номлаш;
- 2) мақоланинг мазмунини билдириш;
- 3) рекламалилик”³⁹.

“Ислом нури” газетаси материалларига сарлавҳа танлаш асносида сарлавҳанинг вазифалари инобатга олинган. Буни “Аслида, синовлар...”⁴⁰,

³⁹ Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Т.: Ўзбекистон СССР “ФАН” нашриёти, 1983. – Б.27.

⁴⁰ Лукмонова М. Аслида, синовлар. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 12-сон. – Б.10.

“Меҳр ва дуонинг кучи”⁴¹, “Қалб даъвати билан”⁴², “Рух шифоси”⁴³, “Кўнги
кўзи билан...”⁴⁴, “Маърифат боғининг боғбонлари”

⁴¹ Ўрозов А. Меҳр ва дуонинг кучи. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 12-сон. – Б.9.

⁴² Ҳожи Абдураззоқ Юнус. Қалб даъвати билан. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 10-сон. – Б.1-2.

⁴³ Аҳмаджон Бобомурод. Рух шифоси. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 15-сон. – Б.4.

⁴⁴ Лукмонова М. Қалб кўзи билан. Ислом нури. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 20-сон. – Б.9.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
3. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. дис. автореф. – Т. , 2005.
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
5. Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. –Т.: Extremum press, 2010.
6. Пардаев А., Рўзиёв Ф., Маҳмадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. – Т.: Истиқлол, 2006.
7. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006.
8. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. III жилд.– Т.: Маънавият, 2003.
9. Абдулла Қодирий. Диёри бакр. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
10. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1998.
11. Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
12. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
13. Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Т., 2012.
14. Досмухамедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Т., 2008.
15. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек тили услубияти. – Т.: Университет, 2000.
16. Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Т.: Фан, 1983.
17. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Т., 2008.
18. “Ҳидоят” журналининг 2011 йилги сонлари.

